

**АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАР
МАЪНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Тураев Кахрамон Нортोजиевич

Термиз давлат университети катта уқитувчи

Собирова Шохсанам

Ахборот технологиялари факультет талабаси

Аннотация: Маколада ахборотлашган таълим тизимида талабалар маънавиятини ривожлантириш технологиялари ҳақида ёзилган.

Калит сўзлар: жараён, ахборотлаштириш, хавфсизлик, таълим-тарбия, эстетик.

Кириш: Бугунги кунда ахборот маданиятини шакллантириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади, чунки, ахборот оқимининг жадал ўсиб бориши, тақдим этилаётган ахборотлар орасидан керакли, зарурий ва фойдалиларини ажратиш олиш мураккаб жараёндир. Бунинг учун ҳар бир шахс мустақил фикрга эга, дунёқараши кенг, ахборотлар уммонидан ўзи учун кераклигини ажратиш олиш салоҳиятига эга бўлиши лозим. Ахборот маданиятини шакллантиришнинг бир нечта босқичлари мавжуд бўлиб, улар орасида юқорида кўриб ўтганимиз «ахборот саводхонлиги»дан кейин энг муҳими бу кишиларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришдир.

Асосий қисм: Ахборотлашган жамиятда кишиларнинг, хусусан, ёшларнинг ахборот маданиятига, яъни ахборот алмашинуви маданиятини шакллантириш муҳим масалалар сирасига киради. Шундан келиб чиқиб, «Ахборотлашган жамиятда ёшлар ўртасидаги ахборот алмашинуви маданиятининг шаклланиши» (олий ўқув юрти талабалари мисолида) номли ўтказилган социологик тадқиқотимизга тўхталиб ўтсак. Тадқиқотимизда жамиятимизнинг барча фан соҳалари бўйича 1215 нафар 18–33 ёш оралиғидаги талаба-ёшлар жалб қилиниб, улар тадқиқот жараёнида фаол иштирок этдилар.

Ахборот кишининг психоэмоционал ҳолатига жиддий таъсир этиши ҳеч кимга сир эмас, шунинг учун ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишда ўзига хос меъёрий қоидалар жамият модернизациялашуви баробарида доимо такомиллашиб бормоғи лозим. Шунингдек, ахборотдан гуруҳий тарзда фойдаланиш маданиятини янада янги шакллари пайдо бўлмоқда, бундай шароитда гуруҳдаги ички муҳит ва ундаги таъсир кучлар фаолияти таъсири бошқа гуруҳ аъзоларига ахборотни сингдирилиш воситаси сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Юқоридаги жавоблардан хулоса қиладиган бўлсак, респондентларнинг ярми ўзаро ахборот алмашинуви муҳитида яшаётганлигини

тўла ҳис этишларини ва бу жараён, кўпинча, уларнинг психоэмоционал хусусиятлари билан боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда замонавий таълимнинг ривожланиши ахборот технологияларини такомиллашиши билан эмас, балки илмий таълимий ахборотнинг янги манбаларининг мавжудлиги билан белгиланмоқда. Ёшларимизни билим олишларида, уларни илмий таълимий ресурслардан оқилона фойдаланишларини ахборот алмашинувининг ижобий томонлари сарасига кўшишимиз мумкин.

Узлуксиз таълим назарияси ва амалиётнинг юзага келиши ҳамда ривожланиши бир қатор ижтимоий, иқтисодий, жамият ҳодисалари таъсирида бўлади. Улар ораси фан-техника тараққиётнинг ўрни алоҳида бўлиб, у давлатлар иқтисодий салоҳияти ўсиши заруратида асос солди. Узлуксизлик дейилганда, умумий ўрта таълим билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан олий таълим орасидаги таълим мазмунида узилиш бўлмаслиги, яъни кейинги таълим турининг мазмуни олдингисини узлуксиз давом эттириши тушунилади.

Узлуксиз таълим тизимини жорий этишнинг энг самарали омилларидан бири унинг босқичлари ўртасида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашдир. Ўқитишда узвийлик дидактик принцип бўлиб, у таълим мазмунини ифодаловчи ўқув режалари, дастур ҳамда дарсликларидан ўқув материалларининг ўзаро мантиқий боғлиқ бўлиши, олдин ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда кейингиларини ўзлаштиришга замин тайёрлаш, таълим олувчиларда таълимнинг ҳар бир босқичида маълум даражада касбий-педагогик билим, кўникмаларни шакллантиришни талаб этади.

XXI асрда таълимнинг узлуксизлиги ғояси уни ислоҳ қилишнинг асосий ғояларидан бирига айланди ва ҳозирги вақтда у кенг миқёсда ривожланишда

давом этмоқда. Таълимнинг узлуксизлиги инсон тафаккурининг янги парадигмаси сифатида намоён бўлади. У инсоннинг ўз шахсий салоҳияти ва касбий имкониятларини маданият, маънавият, профессионализм идеалларига мувофиқ муттасил бойитиш, ўз қобилиятларини ҳаётда тўла намоён этишга бўлган интилишини рўёбга чиқаради. Узлуксиз таълим ғоясининг ривожланиши инсон, унинг шахсияти, майллари ва қобилияти, уларни ҳар томонлама ривожлантиришни ўз диққат марказига қўювчи гуманистик парадигма билан боғлиқ. Бу ғоялар ўз мазмуни ва қимматини ҳозирги жамият учун ҳам кўп жихатдан сақлаб қолади, аммо уларнинг талқинлари ҳозирги ҳаёт воқелигини инобатга олиши лозим.

Узлуксиз таълим концепциясининг куртакларини Платон, Конфуций, Суқрот, Аристотель, Сенека ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарларида кузатиш мумкин. Узлуксиз таълим ғоялари Вольтер, Гёте ва Руссонинг

қарашларидан ҳам ўрин олган. Бу мутафаккирлар мазкур ғояларни комил инсонни вояга етказиш билан боғлаганлар. Узлуксиз таълим ҳақидаги ҳозирги қарашлар асосчиси сифатида Ян Амос Коменский эътироф этилган. Унинг педагогик меросидан ҳозирги вақтда узлуксиз таълим концепциясида рўёбга чиқарилган ғоянинг ўзаги ўрин олган.

Кўп даражали узлуксиз касб-ҳунар таълими узлуксиз интенсив таълим тизимини ўзида ифодалайди. Бу тизим ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитларда шахс ва жамият манфаатларига мувофиқ турли даражада таълим ва малакани изчил олишни таъминлайди. Узлуксиз таълим ҳар бир инсон бутун умри мобайнида муттасил ижодий янгиликни, камол топиши ва такомиллашувини назарда тутди. Шу туфайли ҳам таълим хизматлари ва фаолиятини кенгайтириш ва диверсификация қилиш узлуксиз таълимнинг асосий мақсадларидан бири сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги замон ахборот жамияти барча турдаги ўқув юртлари олдида қуйидаги қобилиятларга эга битирувчиларни тайёрлаш вазифасини қўяди:

- ўзгарувчан ҳаёт шароитларига мослашиш, зарурий билимларни мустақил ўзлаштириш, турли-туман муаммоларни ҳал этиш учун улардан моҳирона фойдаланиш, бутун умри мобайнида ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир бўлиш;

- мустақил танқидий фикрлаш, реал воқелиқда юз бераётган муаммоларни кўра билиш ва уларни оқилона ҳал этиш йўллари замонавий технологиялар ёрдамида топиш; ўзи ўзлаштираётган билимлардан қаерда ва қай тарзда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш;

- ахборот билан моҳирона ишлай олиш: муайян муаммони ҳал этиш учун зарур фактларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш, муаммони ҳал этишга доир гипотезаларни илгари суриш, зарурий хулосалар чиқариш, қонуниятларни аниқлаш, далилланган хулосалар чиқариш, олинган хулосалардан янги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда фойдаланиш;

- турли ижтимоий гуруҳларда киришимли бўлиш, турли соҳалар ва вазиятларда бошқалар билан баҳамжиҳат ишлай олиш, ҳар қандай зиддиятлив олдини олиш ёки улардан моҳирона чиқа билиш;

- ўз маънавияти, ақл-заковати ва маданий савиясини ривожлантириш устида мустақил ишлаш.

Бугунги кунда ўқув режасининг мазмунигина эмас, балки “таълим олувчи” тушунчасининг маъноси ҳам ўзгармоқда. Хорижда талабанинг одатдаги типи – стационар тарзда таълим олувчи 25 ёшгача бўлган одам ўтмишга чекинмоқда. Ҳозирги битирувчилар олий мактаб дипломини олиш пенсиягача муаммосиз мавжудликни кафолатламаслигини яхши тушунадилар. Расмий диплом эмас, балки ўзлаштирилаётган кўникмаларнинг мослашувчанлиги, чунончи: вақтни ташкил этиш, муаммоларни ҳал этиш, адаптивлик кўникмалари муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Афанасьев В.Г., Социальная информация и управление обществом. –М., 1995.; Телекоммуникация и право: вопросы стратегии/Под.ред.
- 2.Багиров Э.Г. Основы радиожурналистики. М., 1984.
- 3.Бьюнкенен П. Смерть Запада. – М.: Гардарики. 2004.
- 4..Баркамол авлод - келажагимиз таянчи/ Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази; Тузувчилар: Қуронов М, Тайлақов Н. –Т.: «Маънавият», 2010.
- 5.БакулевГ.П Массовая коммуникация. Западные теории и концепции. – М.: Аспект-пресс,222005
- 6..БерезинВ.М.Массоваякоммуникация: сущность, каналы, действия. – М.: ИздвоРИП-Холдинг,2004.